

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 5 апрель, №74 (3186)

Шанба

Олий Мажлисда

НОТИҚ НЕГА СУКУТ САҚЛАДИ?

Хоразмда аҳолини иш билан таъминлаш қай аҳволда? Одамларни ижтимоий муҳофаза қилиш даражаси-чи? Бу борада қабул қилинган қонун талаблари қандай бажарилмоқда? Парламент Ижтимоий масалалар ва бандлик кўмитасининг кеча бўлиб ўтган йиғилиши асосий мавзуси ана шу ҳақда бўлди. Унда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг вилоятда ижро этилиши масаласи муҳокама қилинди.


Йиғилишда Хоразмда мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг бажарилиши юзасидан муайян ишлар олиб борилаётганилиги таъкидланди. Эътиборлиси шундаки, Вазиirlар Маҳкамасининг «1999-2001 йилларда Хоразм вилоятда бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг жадаллаштириш тўғрисида»ги қарорига биноан вилоят бўйича аҳолини иш билан банд қилиш режаси тўлиқ бажарилган.

Вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси томонидан қичқ ва ўрта бизнес субъектларига тижорат банкларининг кредит линиялари орқали иш билан таъминлаш кўмаклашиши давлат жамғармаси ҳисобидан 2002 йил мобайнида 483 миллион 15 миң сўм миқдоридан маблағ ажратилган. Ва, шу орқали 879 та янги иш ўринлари яратилган. Йиғилишда таъкидланганидек, янги иш ўринлари яратиш мақсадида касаначилик фао-

тож, иш топишда қийналадиган ва меҳнат бозоридан тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларнинг ишга қабул қилиш тўғрисидаги талаби лозим даражада бажарилмаётгани кузатилаётган. Жойлардаги айрим маҳаллий ҳокимликлар ижтимоий кўникма марказлари фаолиятини кучайтиришга эътибор беришмаган. Ҳатто, Меҳнат қонунчилиги талаблари бузилганлиги сабабли 265 нафар мансабдор шахсга 3019002 сўмлик жарима ҳам солинган. Хўш, бунга сабаб нима? Нега айрим туманларда ишсиз деб эътироф этилган фуқароларни ишсизлик нафақаси ва касбий тайёргарликка юборилган ишсизларнинг стипендиялари ўз вақтида тарқатилмапти? Худди шу сабаблар айни масала бўйича ахбороти тингланган вилоят ҳокими ўринбосари Матқарим Шариповга берилганда, нотуқ сукот сақлашдан ўзга чора тополмади.

Кўмита йиғилишида қайд этилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгилаш тавсия этилиб, тегишли қарор қабул қилинди. Тараққиётимиз йўлига фов бўлаётган муаммолар енимиз, аввало, ўзимизга боғлиқ эканлиги алоҳида таъкидланди.

Фуқрат САНАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



«Баркамол авлод» спорт мусобақалари олдидан

20 МИНГ ЎРИНЛИ СТАДИОН

Шу йил май ойида Андижон вилоятда «Баркамол авлод» республика спорт мусобақалари бўлиб ўтади. Айни кунларда бу ерда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. 20 миң томошабинга мўлжалланган стадион қурилиши шулардан

биридир. Уни Андижон саноат энергияси қурилиш-монтаж бошқармаси қурувчилари бунёд қилмоқдалар.

— Биз зиммамизга юятмасулиятли вазифа юклаганини доимо ҳис қилиб турибмиз, — дейди мазкур бошқарма бригадири Бах-

тиёр Қодиров. — Яқин кунларда жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган стадионни қуриб, фойдаланишга топширамиз.

СУРАТДА: қурувчилар сардори Бахтиёр Қодиров. Тоҳиржон ХАМРОҚУЛОВ олган сурут.

Воҳада чигит экиш бошланди

Кеча Хоразм вилоят деҳқонларидан бир гуруҳи, туман ҳокимлари, хўжалик раҳбарлари бу йил чигит экишни ўз вақтида, сифатли яқунлаш, бу борадаги режалар хусусида фикрлашиб олиш учун Шовот тумани «Гудистон» ширкатига йиғилишди.

Воҳада бу йил 105 миң гектар ерга чигит экилади. Пахта майдонларининг шўри икки марта тулиқ ювилди. Экиш мавсумида қатнашадиган барча техника воситала-

ри сифатли таъмирланди. 2000-2001 йилларда сувсизликдан қийин аҳволда қолган воҳа деҳқонлари жорий йилда оби ҳаёт мул бўлиши, деҳқончилик учун қулай табиий шароит борлигидан мамнун ҳолда ишга киришди. Улар бу йил ҳар гектар ердан салкам 30 центнердан ҳосил ештиришни режалаштириб, чигит экишни 20 апрелгача тугатишга аҳд қилди.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

КўНГИЛЛИЛАР ҚАСАМЁДИ

Тошкентда мамлакатимизга Американдан ишлашга келган 48 нафар кўнгилдининг қасамёди қилиш маросими бўлиб ўтди. АҚШнинг Ўзбекистондаги Тинчлик корпсуси, республика Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазириларидаги ушбу қатбининг ташкилотчилари бўлди.

Айтиш жоизки, 11 йил мобайнида Американин 500 дан ортиқ фуқароси кўнгилдилар қаторида мамлакатимизда фаолият олиб борди ва 10 миң нафар талабага инглиз тилидан сабоқ берди. Ҳозирги кунда Тинчлик корпсузининг 7 миң нафар кўнгилдиси дунёнинг 70 мамлакатидан аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, ўқув ва таълим, қичик бизнесни ривожлантириш ва ОИТС тарқалишининг олдини олиш каби соҳаларда ёрдам қўрсатмоқда.

Мазкур қасамёди кўнгилдиларининг 11-ҳафталик дастурини тайёрлаганининг яқунловчи босқич бўлди. Бу вақт мобайнида улар ўзбек ва рус тилларини, маҳаллий халқ урф-одатларини ўрганди, шунингдек ўз мутахассисликлари бўйича ишлашнинг техник қўникмаларини орттирди. Энди америкалик кўнгилдилар республиканиннг барча вилоятларида соғлиқни сақлаш тизимида фаолият олиб борди ва ўрта мактабларнинг бошланғич синфларида инглиз тилидан дарс берди.

Хулқор СОДИҚОВА, ЎзА мухбири.

Термизда катта кураш

Кеча Термиз шаҳрида Юртбошимиз ташаббуси билан таъсис этилган ва ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган ўзбек кураши бўйича Ал-Ҳаким ат-Термизий халқаро хотира турнирининг мусобақалари бошланди. Бундан ропна-роса ўн йил аввал ташкил этилган биринчи беллашувни эслайлик: ўшанда атиги 40 та ча полдон майдонга тушган эди. Уларнинг аксарияти ўзбекистонликлар. Анниқроғи, Сурхондарё полдонлари эди.

Бугун бўлса... — Бу йилги мусобақанин майдонин, микёси кенг, — дейди Сурхондарё вилоят жимеоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Э. Худоберов. — Хорижий мамлакатлардан

келган полдонларнинг ўзи 40 нафардан ошди. Ҳозирда деярли ҳар бир ўзбек қонандоши полдон бор, десам хато бўлмади. Шунинг учун ҳам бу нуфузли турнирга саралаш мусобақалари қизгин кечди. Эндиликда турнирнинг мутлақ голиби бўлиш барча полдонларнинг орзусига айланди.

Сурхондарёнинг марказий «Алпомиш» стадиони ҳар қачонгидай гавжум. Вилоят ҳокими Таштемир Қодиров йиғилганларни катта спорт байрами билан қўлаб, Президентимиз соврини учун ўтказилаётган мусобақани очиб деб эълон қилди. Беллашувлар энгил ва ўрта вазндаги полдонларнинг бел олиши билан бошланди.



Термиз шаҳрида илк бор келишим, — дейди эронлик Али Ризо Санойи. — Юртдошим Хисроф Насоф билан ўзбек кураши майдонини қизгантири келдик. — Ал-Ҳаким ат-Термизий халқаро турнири бутун бир авлодни тарбиялади, чиниқтирди, — дейди кураш бўйича жаҳон чемпиони термизлик Махтумқули Махмудов. — Бундан бунён ҳам бу турнир Жаҳон курашчилари учун катта мактаб бўлиб қолаверади.

Очилиш маросимида Ўзбекистон Давлат жимеоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Комилжон Юсупов иштирок этди.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

АГРАР ИСЛОҲОТ — ИҚТИСОДИЁТНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ АСОСИЙ ШАРТИ

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар ўзининг бир қатор ижобий натижаларини бермоқда. Ислохотнинг натижаси ўлароқ, ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари бозор тамойиллари асосида шаклланимоқда. Эндиликда хусусий мулк, мулк эгаси, мулкдорлар синфи каби иборалар ҳаётимизда кундалик ишлатиладиган ва ўзининг туб маъносини билан янги жамиятни ифодаловчи ибораларга айланиб бормоқда. Шунинг билан бир қаторда, қишлоқ хўжалигининг бундан кейинги ривожланиши ишлаб чиқариш муносабатларини янги босқичга кўтаришни талаб қилади.

Президентимизнинг «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони тармоқда ҳозиргача олиб борилаётган иқтисодий ислохотларга яқин яша билан бир қаторда, соҳанин бундан кейинги ривожланишининг йўналишларини белгилаб берди. Бу йўналишлар Фармоннинг ҳар бир бандида аниқ кўрсатиб ўтилган. Қишлоқ хўжалиги ҳодимлари, фермерлар ва деҳқонларимизнинг, қолаверса, мамлакатимиз барча аҳолисининг вазифаси шу Фармонни чуқур ўрганиб, уни бажаришда олиб борадиган чора-тадбирларни аниқ белгилаб олишдан иборат.

Фармон ва ижро

Фармонни ўқир эканмиз, унда ҳуқуқий масалалар, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ барча субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бош мезон қилиб олингани кўзга ташланади. Бу бежиз эмас, чунки қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий масалалардан бошлангани керак. Қолаверса, иқтисодий ислохотнинг ўтган давраги асосий қийинчиликларини, унинг баъзи жойларда оқошаи деҳқонларимиз, фермерларимизнинг, ферма қизмат кўрсатувчиларининг ҳуқуқий билими етишмаслигидан келиб чиқмоқда.

Қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси бу ер. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ерга эгалик, ердан самарали фойдаланиш масалалари катта эътибор бериб келинмоқда. Бир қатор қонунларда ер участкаси бериш, ердан фойдаланиш масалалари ўзининг муайян ифодасини топган ва ҳозирги кунгача шу қонунлар асосида иш олиб борилаётган. Аммо, ерни узок муддатга ижарага бериш, ижара муддатида ерга эгалик қилиш ва ижара ҳақини белгилаш масалалари юқорида келтирилган қонунларда мукамал акс этмаган. Шунинг ҳисобига олиб, Фармонда бу муаммоларни ҳал қилиш йўлла-

ри белгилаб берилган ва экиш майдонларидан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тегишли ташкилотларга топширилган. Албатта, бу жараён қонунчиликка маълум даражада ўзгаришлар киритишни талаб қилади. Бу борада балки «Қишлоқ хўжалигида ижара муносабатлари ҳақида» махусе қонун қабул қилишга тўғри келар.

Фармонда келтирилган товар махсулотни ишлаб чиқарувчиларнинг қишлоқ хўжалик экинларини мустақил равишда жойлаштириш ва махсулот етиштириш ҳажминини пастдан, минтақаларнинг иxtисослашганига қараб контрактация шартномалари асосида белгилаш, шунингдек, деҳқонларга етиштирган махсулотини, тегишли мол-мулкни, молвийани ва моддий ресурсларини ўз хоҳишига қўра тасарруф этиш ҳуқуқи берилиши, мамлакатимизда босқичма-босқич демократик тамойиллар жорий қилиб борилишининг навбатдаги босқичи бўлмоқда. Товар махсулот ишлаб чиқарувчиларга бир қатор эркинликлар берилиши, улардаги меҳнат ва махсулот етиштиришга бўлган муносабатларни тубдан ўзгартириб юбормоқда. Улар энди кўпроқ ишонч билан ишни ташкил қилмоқдалар.

Биз Фармон эълон қилинганидан сўнг, бир неча фермерлар, ширкат хўжаликларининг раҳбарлари билан суҳбатлашиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини билишга ҳаракат қилдик. Мана бир мисол. Жиззах вилояти Арнасой туманидаги «Лочин» фермер хўжалиги раҳбари Рустам Ҳатаевдан «Фармонга биноан, эндиликда сизга қўридан пахта ва ғалла етиштириш режаси берилмайдн. Бу қўрсаткичнинг сизнинг ўзингиз, имкониятларингизга қараб белгилаш, энди режанинги қандай тўзмокчисиз?» деб сўралди: — Менга ўтган 2002 йилда 49 тонна пахта ҳомашёси етиштириб, сотиш режаси берилган эди, — дейди у. — Мен шартномадаги 49 тонна ўрнига, 72 тонна пахта ҳомашёси сотганман. Бу йил эса пахта экиладиган майдоним ўзгармай қолмоқда, аммо мен ўз иختиёрим билан шартномани 72 тоннага тўзмокчиман, чунки етиштириётган пахтани сотишим керак, ортиқча пахтага қардан харидор қидираман. Ўтган йилларда режадаги қўрсаткич пастроқ бўлса, бажариш фоизи юқори бўлишига интилиш бор эди. Режани 100 ёки ундан ортиқ фоиз қилиб бажариш асосий мақсад бўлиб қолган эди ва шунга қараб, меннинг ишимга баҳо берилар эди. Эндиликда асосий мақсад, кўпроқ даромад олиш, даромад эса махсулот миқдори ва сифатига боғлиқ.

Бундай фикр ва мулоҳазаларга бошқа бир қатор фер-

мер ва ширкат раҳбарлари билан бўлган мулоқотда ҳам гувоҳ бўлдик. Шунинг учун қишлоқ хўжалик экинларини мустақил жойлаштириш ва контрактация шартномасини тузишда ихтиёри махсулот етиштирувчи бериш махсулот миқдорининг қандай бўлишига қарамастан, ҳанузгача маъмурий-бўйруқбошлик услубдан тўлиқ ўзгариш олиб берилганлиги вақтнинг талабига мос эмас, балки ошишига олиб келади.

Маълумки, Президентимиз хўжалик юртиш шаклларида фермерликни ривожлантиришга катта эътибор бериб, фермерлар муаммоларини ҳал қилиш ҳақида уларга ёрдам бериш тўғрисида қўнда бериш ҳам-ҳўриқ қилиб келмоқда. Бу мазкур Фармонда яна бир бор ўз ифодасини топган.

Жумладан, фермерлар хуқуқларини кенгайтириш, фермерлар ҳақидаги қонунга қатор ўзгаришлар киритилиши, шу жумладан, уларга ерларини узок муддатга ижарага бериш ва ижара муддатида мерос қилиб қолдириш ҳуқуқининг берилиши ва бу ерларни ширкатларга ер билансидан чиқарилиши, хизмат кўрсатувчи ва тайёрлов ҳамда қўлга ишлаш корхоналари билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш ва ресурслардан фойдаланишга ва ёлланма ишчилар олиб ишлашнинг ҳуқуқлари берилишини келтириш мумкин.

Маълумки, иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш бозор инфратузилмасининг ривожланиши билан бевосита боғлиқ. Бугунги кунда инфратузилма-нинг етарли даражада ривожланмаганлиги фермерлар фаолиятининг ривожланишига ҳам маълум даражада салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг ҳисобига олишчи фермер кечаги тракторчи, сувчи, дала ишчиси, мутахассис ва ҳоказо. Улар кечаги кўни маълум бир турдаги ишларни бажариб, юқори малакали мутахассис бўлиб қолган бўлса, эндиликда у технология жараёни, молвийани иқтисодий масалани, ташкилий ва ҳуқуқий масалаларни чуқур билиши керак. Бунинг учун маълум вақт талаб этилади. Шунинг учун ҳам фермерларга ёрдам кўрсатиш, улар-

нинг малакасини ошириш учун бозор инфратузилмаси ривожланган бўлиши керак.

Фармонда қишлоқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилгани бежиз эмас. Мамлакатимиз мустақилликка эришганига 12 йил бўлишига қарамастан, ҳанузгача маъмурий-бўйруқбошлик услубдан тўлиқ ўзгариш олиб берилганлиги вақтнинг талабига мос эмас, балки ошишига олиб келади.

Маълумки, Президентимиз хўжалик юртиш шаклларида фермерликни ривожлантиришга катта эътибор бериб, фермерлар муаммоларини ҳал қилиш ҳақида уларга ёрдам бериш тўғрисида қўнда бериш ҳам-ҳўриқ қилиб келмоқда. Бу мазкур Фармонда яна бир бор ўз ифодасини топган. Жумладан, фермерлар хуқуқларини кенгайтириш, фермерлар ҳақидаги қонунга қатор ўзгаришлар киритилиши, шу жумладан, уларга ерларини узок муддатга ижарага бериш ва ижара муддатида мерос қилиб қолдириш ҳуқуқининг берилиши ва бу ерларни ширкатларга ер билансидан чиқарилиши, хизмат кўрсатувчи ва тайёрлов ҳамда қўлга ишлаш корхоналари билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш ва ресурслардан фойдаланишга ва ёлланма ишчилар олиб ишлашнинг ҳуқуқлари берилишини келтириш мумкин.

Маълумки, иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш бозор инфратузилмасининг ривожланиши билан бевосита боғлиқ. Бугунги кунда инфратузилма-нинг етарли даражада ривожланмаганлиги фермерлар фаолиятининг ривожланишига ҳам маълум даражада салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг ҳисобига олишчи фермер кечаги тракторчи, сувчи, дала ишчиси, мутахассис ва ҳоказо. Улар кечаги кўни маълум бир турдаги ишларни бажариб, юқори малакали мутахассис бўлиб қолган бўлса, эндиликда у технология жараёни, молвийани иқтисодий масалани, ташкилий ва ҳуқуқий масалаларни чуқур билиши керак. Бунинг учун маълум вақт талаб этилади. Шунинг учун ҳам фермерларга ёрдам кўрсатиш, улар-

нинг малакасини ошириш учун бозор инфратузилмаси ривожланган бўлиши керак. Фармонда қишлоқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилгани бежиз эмас. Мамлакатимиз мустақилликка эришганига 12 йил бўлишига қарамастан, ҳанузгача маъмурий-бўйруқбошлик услубдан тўлиқ ўзгариш олиб берилганлиги вақтнинг талабига мос эмас, балки ошишига олиб келади. Маълумки, Президентимиз хўжалик юртиш шаклларида фермерликни ривожлантиришга катта эътибор бериб, фермерлар муаммоларини ҳал қилиш ҳақида уларга ёрдам бериш тўғрисида қўнда бериш ҳам-ҳўриқ қилиб келмоқда. Бу мазкур Фармонда яна бир бор ўз ифодасини топган. Жумладан, фермерлар хуқуқларини кенгайтириш, фермерлар ҳақидаги қонунга қатор ўзгаришлар киритилиши, шу жумладан, уларга ерларини узок муддатга ижарага бериш ва ижара муддатида мерос қилиб қолдириш ҳуқуқининг берилиши ва бу ерларни ширкатларга ер билансидан чиқарилиши, хизмат кўрсатувчи ва тайёрлов ҳамда қўлга ишлаш корхоналари билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш ва ресурслардан фойдаланишга ва ёлланма ишчилар олиб ишлашнинг ҳуқуқлари берилишини келтириш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

9 апрель — Амир Темур таваллуд кунн

Илмий - амалий анжуман

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча шаҳар ва вилоятларида буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 667 йиллиги муносабати билан турли анжуманлар, адабий кечалар, учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Шундай тадбирлардан бири Тошкент давлат юридик институтида ҳам ўтказилди. Амир Темур давлатининг ўзбек давлатчилиги та-

рихидаги ўрнига бағишланган илмий-амалий анжуманда тарихчи олимлар, ҳуқуқшунос-мутахассислар ҳамда институт профессор-ўқитувчилари қатнашди. Анжуманда академик А.Асқаровнинг «Амир Темурнинг жаҳон тарихида тугтан ўрни», тарих фанлари доктори А.Уриновнинг «Амир Темур давлати ва унинг ўзбек давлатчилигида тугтан ўрни»,

юридик фанлари доктори Х.Бобоевнинг «Темур тузуқларида давлат ва ҳуқуқ масалалари» мавзуларидаги маърузалари тингланди. Анжуманда Амир Темурнинг жаҳон тарихида тугтан ўрни, ўзбек давлатчилигини ривожлантиришга қўшган бежиз ҳиссаси, Темурнинг даври маданияти ва маънавий қадриятлари, буюк бобомиз қолдирган улкан мероснинг аҳамиятини, мазмун ва моҳиятини ўрганиш, тарғиб ва ташвиқ қилиш бора-сидаги ишларни янада фойдалатириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Беҳзод НОРБОВЕВ, ЎзА мухбири.

«Халқ сўзи» назоратида


Камчиликлар бартараф этилди



Газетамизнинг шу йилги 14 феврал сонидан эълон қилинган «Кўзни юмиб ўтиб бўлмас...» сарлавҳали фотоайбномада Каттақўрғон шаҳридаги Қориюбода маҳалласининг айрим ҳудудларида ахлатлар ва чиқиндилар уюлиб ётгани ташвиш-ла тилга олинган. Шу муносабат билан яқинда шаҳар ҳокими Т. ҲАМЕДОВдан келган расмий жа-

вобда таъкидланганича, турли корхона, ташкилот, муассасалар, «Маҳалла» ва «Нуруний» жамғармаларининг туман бўлимлари, ўзининг бошқариш ишоралари маъсулларни иштирокида ушбу масала муҳокамага бағишланган йиғилиш ўтказилди. Мутасаддиларга топширилган берилиб, мавjud камчиликлар бартараф этил-

Қориюбода маҳалла фуқаролар йиғини раиси А.Тошевнинг жавобга илова қилинган маълумотномасига қараганда, тўпланиб қолган чиқиндилар, ташлан-диқ машина олинми, ахлат-хоналар тозаланган. Шунингдек, уларни бетонлаштириш режалаштирилган. Нохуш ҳолатлар қайтарилмаслиги учун назорат кучайтирилган.



КЕЛАЖАККА ИНТИЛГАН БАНК



Мустақиллик йилларида акциядорлар сафи анча кенгайди. Хозирга келиб, универсал банкка айланган «Пахта Банк» республика қишлоқ хўжалик корхоналарининг асосий қисмига хизмат кўрсатмоқда. Қишлоқ хўжалиги эса, маълумки, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини изчил ривожлантириш ва ислохотларни амалга оширишнинг таянч нуқтаси ҳисобланади. Зеро, нафақат қишлоқ аҳли, балки бутун мамлакат аҳолисининг турмуш фаровонлиги айнан шу соҳанинг қай даражада самарали ривожланишига бевоқиф бўлади.

Шу боис молиявий агент сифатида банк томонидан етказиб берилган бунақ маблағлар дехқонларга пахта, ғалла ва шолі маҳсулотлари еттиштириш зарур бўладиган товар-моддий қийматлар юзасидан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш имконини бермоқда. Бир қатор вилоятларда шу йилдан бошлаб фермер хўжалиқларига бунқк беришдан уларни тўғридан-тўғри кредит билан тўғридан қўллашнинг муносибати билан бу борадаги асосий молиявий вазифа ҳам «Пахта Банк» филиаллари ва бўлимлари зиммасига юклатилди.

Банк, шунингдек, қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан рағбатлантириш фонднинг молиявий ағенти вазифини ўтамоқда.

«Пахта Банк» 1993 йилдан буён Туркиянинг «Зироат-банк»и билан бирга Ўзбекистондаги биринчи «Ут-банк» — ўзбек-турк банкнинг муассиси ҳам ҳисобланади. 1997 йилдан бошлаб унинг халқаро SWIFT коммуникациявий банкларо тизимининг аъзоси эканлиги жаҳон банклари ҳамжамиятига ишонч билан интеграциялаш имконини бермоқда. У АПРАКА (Қишлоқ хўжалик кредити Осие-Тинч океани ассоциацияси) ва КИКА (Қишлоқ хўжалик кредити халқаро конфедерацияси) аъзоси ҳамдир. Икки йил аввал КИКАнинг ХХХ юбилей асамблеяси Тошкентда ўтказилишининг ташаббускори бўлган банк жаҳоннинг 100 дан зиёд қишлоқ хўжалик банкларини резидентларини мамлакатимиз пойтахтида жамлашга эришди. 2000 йилда эса халқаро Томсон Файненш Бэнк Вотч рейтинг агентлигининг юксак рейтинг баҳосига сазовор бўлди. Банкларо «Ахбор-рейтинг» компаниясининг баҳосига мувофиқ, «Пахта Банк» умумий кўрсаткичлар — молиявий фаолиятнинг қўламлилиги, капиталнинг етарлилиги, ликвидлиги, фойдаланиш бўйича бир неча бор етакчи банк, деб эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил якунларида бағишланган мажлисида давлатимиз раҳбари мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий ва маданий-маърифий ислохотларнинг энг муҳим шартларидан бири аграр секторнинг иқтисодий салоҳиятини бугунги кун талаблари даражасига кўтаришдан иборат эканлигини алоҳида таъкидлади. Қишлоқда янгиланиш жараёнлари кечмоқда: давлат мутлақо тармоғи тугатилиб, иқтисодий ва аграр муносабатларнинг мутлақо янгича шакллари жорий этиляпти. Ишлаб чиқарувчиларнинг хусусий тадбиркорликка интилишлари ҳар жиҳатдан рағбатлантирилган ҳолда уларнинг сафи янада кенгайтирилмоқда. Бунда асосий эътибор дехқонларни молиявий

жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилмоқда. Ушбу ҳаётий муҳим вазифани эса республиканинг энг йирик акциядорлик тижорат банкларидан бири «Пахта Банк» жамоаси амалга оширмоқда. Қишлоқ хўжалигининг бош инвестори бўлган ушбу банк 1995 йилда «Ўздекхонсаноббанк» негизда ташкил этилган бўлиб, устав капитали эндиликда 10 миллиард сўмга етказилди. Унинг 13 та вилоят бошқармаси, 183 та туман филиали, шунингдек, 162 та минн банкдан иборат кенг ва мукамал тармоғи мамлакатимиз дехқонларининг пул маблағларига бўлган талаб-эҳтиёжларини тўлиқ қондириш имкониятини бермоқда. Бугунги кунда банк 84 мингдан зиёд юридик ва 148 минг жисмоний шахсга хизмат кўрсатмоқда.

КРЕДИТНИНГ НАФИ — САМАРАДА

Банк ишининг асоси — қарзга пул бериш. Аммо уни асосан моддий бойлик яратувчиларга бериш банк фаолиятининг муҳим шarti ҳисобланади. Бу пулнинг барқарор айланиши ва мамлакат иқтисодиётининг бир маорда ривожланишини таъминлайди. Олинган кредит юзасидан тўловлар эса банкка пулни янги-янги ишлаб чиқаришларга йўналтириш имконини беради. Сармоа қанча кўп бўлса, иқтисодиётнинг зарур тармоқларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб туриш имкониятлари шунча кенгайди.

2003 йил 1 январь ҳолатига кўра банкнинг устав ҳамда заҳира сармоялари, соф ва тақсимланган фойдалан ташкил топган умумий капитали 35,9 миллиард сўмга етиб, 10 миллиард сўмга кўпайди. Одатда капиталнинг ўсиши иқтисодиётга йўналтириладиган пул маблағларининг кўпайишига хизмат қилди. 2002 йилда у 101,8 миллиард сўмга ўсиб, йил давомида бир ярим баравар кўпайиб, 2003 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 91,1 миллиард сўмга етган кредитлар портфели узоқ, ўрта ва қиска муддатли кредитлардан ташкил топди.

«Пахта Банк» кредитларни энг муҳим тармоқларга йўналтириш тартиб-қоидаларига қатъий амал қилмоқда. Чунонки, кредитларнинг 28 фоизи саноатни ривожлантиришга, 23 фоиздан кўпроғи қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига, 19 фоиздан зиёроғи таъминот ташкилотларига йўналтирилди.

Қишлоқ хўжалигининг асосий фаолиятига хизмат кўрсатиш билан бир вақтда давлат корхона-

лари, акциядорлик жамиятлари, компаниялар, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг айланма маблағлари учун ҳам узоқ муддатли кредитлар берилмоқда. Банк муҳим халқ хўжалиги объектлари қурилишини бюджетдан маблағ билан таъминлашга қаратилган инвестиция дастурларини бажаришда ҳам фаол қатнашмоқда. Утган йили ана шундай кредитлар ҳисобига, жумладан, Фаргона вилоятида «Қува» тўқимачилик мажмуи қурилди, Жиззахдаги «Жиззах-

тувчиларга ҳам, бу хизматдан фойдаланувчиларга ҳам кенг имтиёзлар берилган. Фақат утган йилнинг ўзига «Пахта Банк» 71та лойиҳа бўйича қарийб 300 миллион сўмлик, умуман эса 2003 йилнинг 1 январига қадар 120 та лойиҳа юзасидан 800 миллион сўмлик лизинг хизмати кўрсатди.

Етакчи қишлоқ хўжалик банкнинг кундалик фаолиятида факторинг хизмати ҳам тобора фаол жорий этилмоқда. Ушбу молиявий усулнинг мазмун моҳия-

муваффақиятли бошқариш учун банк Молия тармоғини ривожлантириш агентлиги ёрдамида Жаҳон банки маслаҳатчилари билан ҳамкорликни ҳам йўлга қўйди. Ана шу ҳамкорлик жараёнида орттирилган тажрибалар банк ходимларининг амалий фаолиятига сингдириб берилмоқда.

ҚАНЧА КЎП БЎЛСА, ШУНЧА ЯХШИ!

Кичик бизнес соҳасида иш билан бандлик даражасини оши-

риштириш ривожлантирадир. Ушбу ижтимоий гуруҳнинг шаклланиш шартлари ҳам яхши маълум. Шулардан бири — тижорат банклари томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш Акциядорлик тижорат «Пахта Банк»ининг устувор йўналишларидан чиқиб кичик ва ўрта тадбиркорликни молиявий жиҳатдан таъминлашдир. Унинг шаҳар ва қишлоқ тадбиркорларидан иборат миқозлари 2002 йилда 13,6 мингтага кўпайиб, 59 мингтадан ортиди.

Утган йили Европа Тикланиш ва тараққиёт банки ва Осие Тараққиёт банки кредит линияларини ўзлаштириш давом эттирилди ва 30 миллион АҚШ доллари миқдориди маблағ ўзлаштирилди. Лойиҳаларни молиялаштириш бошқармаси ходимлари ишлаб чиққан эксперт ўтказиш ва ҳисоб-таъриҳнинг янги чартиб билиш шу банклар томонидан маълумланди. Унинг мазмун-моҳияти ҳар бир инвестициявий лойиҳага алоҳида ёндашишдир. Банк етакчи ходимларининг бу муҳим масалага ижодий ёндашувлари туфайли кичик ва ўрта корхоналар ўз бизнеслари учун 13,5 миллион АҚШ доллари миқдорда молиявий ёрдам олдилар.

Кичик хусусий ишлаб чиқариш субъектларини молиялаш дастури доирасида утган йилнинг сентябрида Европа Тикланиш ва тараққиёт банки билан 7 миллион АҚШ доллари миқдорда кредит линиясини очиб тўғридан-тўғри битим имзоланди. Ушбу битимга мувофиқ «Пахта Банк»нинг олти филиали томонидан 300 минг доллар ўзлаштирилди.

Бошқарманинг истиқболдаги режасида экспорт йўналтирилган инвестициявий лойиҳалар сонини янада кўпайтириш назарда тутилган. Маҳаллий ошамешни чуқур қайта ишлашга мўлжалланган кичик, мосланувчан, бозор талабларига тежорлик билан жазоб бера оладиган ишлаб чиқаришларга устуворлик берилган.

ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ

2003 йилда «Пахта Банк» олдида қишлоқ хўжалик соҳасида ўз бераётган мураккаб янгиланишлар жараёни билан боғлиқ янги ва муҳим вазифалар турбиди. Иқтисодиётнинг аниқ соҳаларини, унинг базавий тармоқларини янада фолроқ кредитлаш учун аҳоли билан ишлашни яхшилаш масаласи кун тартибига қўйилмоқда. Фуқароларнинг вақтинча бўш маблағларини банк омонатларига қўйиш, бир томондан, уларни сақлашнинг қўлай, ишончли ва фойдала усули бўлса, иккинчи томондан, депозит ва омонатлар кредитлашнинг реуре базасини ҳамда нақд пул тушумини қўпайтиришга хизмат қилади. Бугунги кунда банк филиалларида 347 та омонат кассаси ишлаб турибди. Улар замонавий электрон-ҳисоблаш техникалари билан жиҳозланган. Коммунал ва бошқа турдаги тўловларни қабул қилиш ташкил этилган, омонатчиларнинг бюртамлари бўйича нақд пулнинг ҳисоб-китоб қилиш имкониятлари яратилган. Банк омонатчиларни янада омавий жалб этиш ва уларнинг ишончили шериги бўлишга қаратилган ишларни жорий йилда ҳам изчил давом эттирди.


Сармоани қўпайтиришнинг яна бир муҳим манбаи — бу чет эл инвестицияларини жалб этишдир. Бу эса инвестиция имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади ва халқаро банклар ҳамжамиятига янада чуқурроқ интеграциялашувга кўмаклашади.

Яқин истиқболга мўлжалланган дастурда кўрсатиладиган хизмат турларини қўпайтириш ва савиясини ошириш тadbирлари ҳам кенг ўрин олган. Банк технологияларини фойдаланишни кенгайтириш ҳам шулар сарфасига кирди. Банк замонавий электрон ва технологик ускуналар билан тобора мукамал жиҳозланмоқда ва у интеграциялашган банк тизимини жорий этиш палласига яқинлашди. Яқин орада банк бўлимлари фаолияти ягона корреспондентлик ҳисоб рақами ва ягона балансга ўтказилди.

Корпоратив бошқаришнинг замонавий тизимини вужудга келтириш банк олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Банк нуфузини янада ошириш учун юқори малака мутоахассиллари ишлаш ва танлаб олишнинг ҳолис ва мақбул тамойили ниша солинган.

Банк фаолиятининг асосий қўрсаткичлари бошқарув раҳбарлари ва мутоахассиллари томонидан ишлаб чиқилган ҳамда бошқарув кенгаши томонидан бизнес-режада, банк бюджетни ва унинг 2003 йилги тараққиёт стратегиясида ўз аксини топган. Жамоа аҳли, уларни амалга оширишга ҳозирданоқ изчил киришди.

Абдусамод ЙЎЛДОШЕВ.



пластмасса» заводи эса тубдан қайта таъмирланди. Инвестиция лойиҳаларини узоқ муддатли кредитлар билан таъминлашнинг истиқболли осиди — бу молиявий лизингдир. «Пахта Банк» 1997 йилдаёқ лизинг хизмати бозорига биринчилардан бўлиб иш бошлаган эди. Утган йилнинг августига Президентнинг «Лизинг фаолиятини янада ривожлантириш рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинган, ушбу усул мамлакатда кенг қулоч ёлди. Чунки ушбу ҳужжатда лизинг хизмати кўрсатиш шундаки: пул масаласида қўйалаётган у ёки бу мижознинг мажбуриятини банк ўз зиммасига олади. Вақтинчалик қийинчилик орта қолгач, банк ўша мижоз билан ҳисоб-китоб қилади. Узаро ишонч асосида қурилган факторинг операциялари «Пахта Банк» билан «Ўзқишлоқ-хўжалиқмашхолдинг» компанияси, «Ўзқишлоқхўжалиқтаъминот-кўриш ва таъмироти» уюшмаси ўрта-сидаги амалий ҳамкорликнинг ўзига ҳос воситасига айланган.

Барча соҳада, айниқса, кредит беришдаги таваккалчиликларни

риш қишлоқда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишини этиб белгиланган. Ҳаёт тарзи ва даражасини айнан ўрта мулкдорлар қатлами белгилайди, улар ижтимоий барқарорликнинг пойдевори ҳисобланади. Инвестор ҳам — ўрта синф. Унинг вакиллари ўз жамғармаларига эга бўлиб, бу маблағларини банкларда сақлайдилар. Ўрта синф вакиллари моҳир стратег бўлиб, ўз бизнесларини ташкил этидилар, янги технологияларни қўлайдилар, талаб ва эҳтиёжга мос кичик ишлаб чи-

қўлайди. Шу йилнинг охирига бориб, республиканинг барча минтақаларига фаолият юритаётган 512 та минн банкнинг асосий қисми «Пахта Банк» таркибига кирди.

2002 йилда микрокредит бериш жараёни ҳам кенг ривожланди. Йил давомида кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига банкларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 5251 та лойиҳа бўйича 9,2 миллиард сўм ажратилди. Хусусий тадбиркорлик бюджетдан ташқари жамғармалар орқали ҳам молиявий қўллаб-қувватлаб борилди. Мин-

РЕСУРС БАЗАСИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Маблагни иқтисодиётнинг аниқ тармоғини молиялашга йўналтириш учун, аввало, унинг топиш керак. Бунинг учун эса қимматли қоғозлар бозорининг малакали ва фаол иштирокчиси бўлиш зарур. Фаолиятчи белгиволчи асосий кўрсаткич эса акциядорлар сонидир. Бугунги кунда акциядорлар 69 минг нафардан ошди.

2002 йил 27 августда банк юридик шахслар учун 5 миллиард сўмлик депозит сертификатларининг йирик эмиссиясини чиқарди. 2003 йил 1 январь ҳолатига кўра, 414 миллион сўмлик қимматли қоғозлар жойлаштирилди.

Жамоанинг ресурслар базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, аҳолининг бўш маблағларини жалб этиш учун «Пахта Банк» жисмоний шахсларга муддати 3 ва 6 ойлик, йиллик даромади 40 ва 42 фоиз бўлган 500 миллион сўмлик депозит сертификатларини тавсия этиб, ушбу эмиссиянинг ҳаммасини тўлиқ жойлаштирди.

Банк жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, республика тижорат банклари орасида биринчилардан бўлиб иккита шўба корхонаси — «РАНТА-SERVIS» депозитарийи ҳамда «РАКНТА-INVEST» бошқарув компаниясини тасис этди. Бу банкнинг республика фонд бозоридида мажбури мустаҳкамлаш имконини бериб, эндиликда акциядорлик жамиятлари қимматли қоғозларининг олди-соти операциялари бошқарув компанияси орқали амалга оширилмоқда. Депозитарий эса «Пахта Банк» акциядорлари реестрини юритган ҳолда тўлақонли депозитар хизматларини кўрсатмоқда.

Банк республика валюта биржасининг муассиси ва тўлақонли аъзоси сифатида валюта майдони ва давлат қимматли қоғозлари бозорига ўз жойига эга. Шунингдек, у давлат корпоратив облигациялари бозорига бирламчи дилдер ҳисобланади. 2002 йилда «Пахта Банк»нинг давлат корпоратив облигациялари бўйича жами биржа савдоси айланмаси 2,2 миллиард сўмдан ошди.

Юқори ликвидли ва даромадли корпоратив қимматли қоғозларни шакллантиришга қатта эътибор берилмоқда. Молиявий таҳлил қилиш ва қимматли қоғозлар портфелини диверсификациялашда мўлжалли турри олишти қаратилган. Инвестиция сибсати тўғрисидаги низоом ишлаб чиқилди. Тижорат кредитлари, сўда ва четдан молиялаштиришнинг корпоратив облигациялари, яъни даромади белгилаб қўйилган қимматли қоғозлар каби бошқа манбаларни жалб этиш усуллари ҳам эътибордан четда қолмапти. «Пахта Банк» 2001 йилдан буён банк ва компанияларнинг қўнғил-

ли муваққат бирлашмасининг аъзосидир. Ушбу бирлашма Ўзбекистон эмитентлари учун облигациялар чиқаруви ва уларни жойлаштируви халқаро эмиссия синдиқати ҳисобланади. 2003 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, банкнинг инвестиция портфели 95 та акциядорлик жамиятининг акциялари ҳисобига 2,3 миллиард сўмга етди.

Аҳоли қўламаги бўш маблағларни омонатларга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маълумки, банкка янги-янги омонатларини жалб этиш, аввало, ана шу омонатларнинг фойз ставкаларига боғлиқ бўлади. Ўз маблағларини банкларда сақлашни истовчи омонатчилар масаласининг шу томонида биринчи гада эътибор берадилар.

Республика ҳукумати шунн ҳисобга олиб, ушбу жараёни рағбатлантириш мақсадида банк фойдасига солинадиган солиғини жисмоний шахслар депозитлари миқдорига камайтирди. Фойз ставкалари омонатчилар манфаатига мос бўлгани сабабли, аҳолининг «Пахта Банк» маблағларидаги улуши ва фойзи кўпайди.

Аҳолининг турли қатламлари учун «Шарқ юлдузи», «Хосил», «Қарнлар қўл қиммати», «Муқаддас замин» каби янги омонат турлари жорий этилди. Жалб этилган омонатлар эса 12 миллиард сўмдан ошди. «Пахта Банк»нинг бир қатор тижорат банклари билан ҳамкорликда хизмат кўрсатиладиган сўмдаги пластик картчалари ҳам бўш пул маблағларини жалб этишнинг истиқболли турларидан биридир.

ХАЛҚАРО АЛОҚА ИСТИҚБОЛИ

Иқтисодиёт ва валюта бозорини эркинлаштириш борасида республика ҳукумати томонидан қуриладиган чора-тадбирлар тижорат банклари фаолиятида ўзининг ижобий аксини топмоқда. Улар, айниқса, конверсия операцияларини расмийлаштиришда қатта мустақилликка эга бўдилар. Биржадан ташқари валюта бозоридида операциялар қўлами кенгайди, миқозларнинг нақд чет эл валюталарини олишлари енгиллашди, ташқи савдо операциялари иштирокчилари сонн кўпайди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалик тармоғининг асосий

экспорт маҳсулотлари пахта линти, тўқимачилик буюмлари, қишлоқ хўжалик техникалари, консерваланган маҳсулотлар, шараб ва винолар ҳисобланади. 2002 йилда трактор, пахта териш машиналари ҳамда линтини Россия, Марказий Осие давлатлари, Хитой, Туркия ва Болгарияга экспорт қилиш анча қўпайганлиги кузатилди. Импорт ҳажми эса 2001 йилдагига нисбатан 6 фоиз камаяди. Германия, Швейцария, Хитой ва Россиядан асосан усимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари, ўғит, технологик асбоб-ускуналар, қишлоқ хўжалик техникалари эҳтиёт қисмлари, металл буюмлар, қурилиш материаллари олиб келиш учун «Пахта Банк» жаҳон банк амалиётида қабул қилинган барча халқаро ҳисоб-китоб усулларида операциялар ўтказди. Сўминг чет эл валютасига конвертациялашда «форвард» шаклидаги операциялар, факторинг, чекларни инкассация қилиш каби истиқболли хизмат турлари жорий этилди.

Кенг филиаллар тармоғининг мавжудлиги ва юқори малакали мутоахассилларнинг етарли эканлиги банк мижозларига малакали ёрдам, фойдали маслаҳатларга таяниш, экспорт-импорт битимларини тузишда, тўлов шартлари, халқаро амалиётда қабул қилинган ҳисоб-китоб усуллари ва битимларнинг бошқа валюта молия шартларини аниқлашда зарур тавсиялар олиш имконини бермоқда.

Биржа ва биржадан ташқари валюта бозорларидаги конверсия операциялари ҳажми 76,9 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. Биржадан ташқари валюта бозоридидаги операциялар ҳажми 2001 йилдагига нисбатан икки баравар, нақд чет эл валюталари эса уч баравар ўсиб, Валюта операцияларидан тушган даромад уч баравардан зиёроқ кўпайди.

Қўллаб банкларнинг корреспондентлик тармоғига эга бўлган «Пахта Банк» ҳозир ўзининг халқаро операциялари 22 та корреспондентлик ҳисоб рақамлари орқали амалга оширмоқда. Банк томонидан ички бозорда ўтказиладиган валюта алмаштириш операциялари ҳажми 5,3 баравар ўсиб, валюта алмаштириш пунктлари 2001 йилдагига нисбатан анча кўпайиб, 197 тага етди. Шунингдек, банк «Америка Экспресс» йўл чекларига эга бўлиш ихтиёрини билдирган жисмоний шахсларга ҳам хизмат кўрсатмоқда.

Мақсадлар муштарак келмоқда

Европаликлар, айниқса, немислар ўз ҳамкорлари билан бирданига бирор корхона ёки ташкилот тузишлари қийин. Улар аввало сизни оддон синаб, ўргангандан кейин расмий иш бошлайдилар.

«Немис-ўзбек илмий жамияти»ни тузиш учун мақзур ташкилот ҳамраиси Хуррам РАХИМОВга уч йил муддат керак бўлди. Х.Рахимов — Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети герман филологияси кафедраси доценти. Хўш, бу ташкилотни тузишга ҳар иккала юрт олимларини нима ундади? Улар ўтган вақт ичида қандай натижаларга эришдилар? Шунга ўхшаш саволларга куйидаги суҳбатдан жавоб олишингиз мумкин.

— Хуррам Рахимович, «Немис-ўзбек илмий жамияти»ни тузишга сизни қандай зарурат ундади?

— Германия Ўзбекистон олимлари ўртасидаги ҳамкорлик илдизлари анча чуқур. Илгари улар якка тарзда, тарқоқ илмий доирада муносабатда бўлардилар. Масалан, яқин йилларда бир хил дарслик лойиҳаси юзасидан икки дорил-фунунимиз олимлари бир-бирларидан хабарсиз ҳолда икки немис университети билан иш бошлашган. Бундан ташқари, Германиядаги Ўзбекистон турмуш турли университети ва марказларининг ҳар бири ўзича материал излаб, ўзбек воқелигини ўзича таққин қиларди. Бу соҳадаги тарқоқ фаолиятга чек қўйиш мақсадида Германиядаги ўзбекистон мутахассисларининг бошини қовуштириш, юртимиз ҳақида ҳолисона тасаввурлар уйғултириш йўл-йўриқ ва йўналишлар бериш, олом-ўзбек олимларининг муносабатларини бир тизимга солиш вақти аллақачон келган эди.

«Немис-ўзбек илмий жамияти» ана шундай катта зарурат туфайли юзага келди.

— Германияликларнинг Ўзбекистонга қизиқишлари қандай?

— Мамлакатимиз ҳақида немисларнинг тасавури— ижобий. Улар юртимизда содир бўлаётган ҳар бир ижтимоий-сиёсий воқеадан хабардор. Уларнинг марказий телевидениесида «Барча йўллар Самарқандга элтади», «Буюк Ипақ йўли бўйлаб» номли туркум кўрсатувлар бор. Юртимиз ҳақидаги маълумотларни матбуот ва оммавий ахборот воситалари орқали таништиришда Берлин уни-

верситети профессори Ингеборг Баллауф ва доктор Зигрид Клайнмихель, лейпциглик доктор Якоб Таубе, Фрайбург университети профессори Ерг Штатделбауэрларнинг хизматлари катта. Ўзбекистон ҳақида немис шаҳарлари аудиторларида алоҳида жонкуярлик

Ўзбекистон ва жаҳон

билан илмий-оммабоп маърузалар қилаётган икки олим бор. Жаноб Клаус Пандер ва Габриеле Келлер хоним. Уларнинг ўзбеклар ҳақида меҳру муҳаббатлари беқиёс. Ўз шахсий жамғармалари ҳисобидан бизнинг турмуш тарзимиздаги энг гузал аниғна ва муносив ютуқларимизни европа жамоатчилигига кенг тарғиб қилмоқдалар.

— Сизларнинг қайси сазй-ҳаракатларингиз уларнинг эътиборини қозонди?

— Ҳамкорлигимиз аввалида биз этнограф олима Габриеле Келлер иккимиз «Самарқанд эртаклари» номли китобни нашрга тайёрладик. «Ўзбекистонда аёллар маданияти» номли кўчама фотоқўргазма ташкил қилдик. Бу қўргазма 2000-2002 йиллар мобайнида Ўзбекистон, Германия, Швейцария, Бельгия давлатларида намойиш этилди. Бу орада Германияда Ўзбекистон маданияти ҳафталигини уюштиришга бош бўлди. Қарабиски, муносабатларимиз қатий ишонч асосида, муштарак мақсадлар йўлида мустақамлашиб борди. Кейинги муҳим воқеалар мақзур жамиятни тузишимиз учун шароит ва имкон берди. 2002 йили «Германия мамлакатшунослиги» дарслиги лойиҳаси

учун эълон қилинган танловда ғолиб топилдим ҳамда Роберт Бош фонди грантини қўлга киритдим. Олти ой давомида Фрайбург университети таклифига биноан илмий сафарда бўлдим. Йиррик кутубхоналарда дарслик лойиҳаси устида ишларканман, Германия ва Ўзбекистон давлатлари ҳақида шунчалар кўп маълумотларга дуч келдимки, уларни ўрганиш учун нафақат бир неча олоншуннос ёки ўзбекишуннос, ҳатто юзлаб олимларнинг кучи, вақти керак бўлади.

Айниқса, немис олими Франц фон Шварцинг 1900 йил Фрайбургда нашр этилган «Туркистон—индо-герман халқларининг бешигидир» номли 606 саҳифалик катта монография ташқиқоти, шу олимнинг «Буюк Александр Македонскийнинг Ўрта Осиёга юриши» номли китоби, Герхардт Вербекенинг «Абу Али Ибн Сино— янги метафизиканинг асосчиси» номли рисоласи, Берндт Радкеннинг «Ал-Мотуридий 400 авлиёнинг отаси» номли илмий-тарихий китоблари, Херман Вамбернинг қатор саёхатномаларига кўзим тушиб, бу ноёб манбаларнинг Ватанимиз тарихи ва тақдири учун нақдлар катта аҳамиятга эгалигини ҳис этдим. Уларни ўзбек жамоатчилигига эмас, жаҳон халқларига тарғиб ва тақдим этишни, ўзбек ва чет тилларда нашр этилишини жамиятимизнинг асосий мақсадларидан қилиб қўйдик. Ҳар иккала давлат олимларини, ёшларни, мутахассисларни шу ишга жалб этмоқчимиз.

Хуллас, имконият эшиклари биз учун тобора очилмоқда. Режалар бисёр, куч, интилиш, меҳнат қилиш қолган, ҳолос. Ўзбекистон ҳақидаги ноёб хазиналар ичра Утирарканман, кўнгилм гурурга тўлади. Олисе Европанинг бизга хайрихоҳ инсонлари даврасида юртимиз келажаги тўғрисида ўйлаш сурури бошқача. Шу имконни берган Истиклолга ҳар қанча шуқур айтсак, камлик қилади.

Нигора УСМОНОВА суҳбатлашди.



Фарзандларимиз иқболини ўйлаб...

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишдан асосий мақсад аҳоли саломатлигини мустақамлаш ҳисобланади. Маълумки, ҳар йили 7 апрель Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш келинади. Жорий йил «Болалар учун соғлом атроф-муҳит» шiori остида ўтказилмоқда. Бу бежиз эмас. Чунки бутунгиз кунда атроф-муҳитнинг инфоляцияси болалар саломатлигига жиддий таъсир қилмоқда. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, барча касалликларнинг 33 фоизини атроф-муҳит салбий омиллари натижасида келиб чиқаётган хасалликлар эгаллар экан. Улардан асосан 5 ёшгача бўлган болалар жафрланмоқда. Ҳар йили атроф-муҳитнинг салбий таъсири натижасида 5 миллиондан ортиқ болалар турли хил касалликлар оқибатида ҳаётдан кўз юммоқда. 15000 синтетик ва кимёвий бирикмалар, инфоляцияланган ҳаво, йўл-транспорт ҳолатлари, атроф-муҳитнинг ўзгариши, зарарланган озиқ-овқат маҳсулотлари болалар соғлигига хавф солмоқда. Булар қаторига диарея, безгак, қорин тифи, гижжа касалликлари, сарик, юқори нафас йўллари хасталиклари, ҳар хил жароҳатлари кириши мумкин.

Соғлом турмуш тарзи мутахассисларнинг йўқлиги, мутаносиб санитария-гигиеник ва маиший маданият билан боғлиқдир. Соғлом турмуш тарзи қирраларини энг аввало боғча ва мактабларда тарғиб қилиш, болаларда турғун кўникмалар ҳосил қилиш жоиздир. Чунки болалар ўсиш ва ривожланиш даврида ҳар хил боқичлардан ўтади. Улар атроф-муҳит омилларига нисбатан таъсирчан бўлади. Шунинг учун болалар соғлигини сақлашда, ривожланишини таъминлашда меҳнат ва дам олишни тўғри ташкил қилиш, организмнинг анатомик-физиологик ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда спорт турини танлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ешларимизнинг ҳар то-

монлама соғлом, ташқи муҳит омилларига чиниққан ва баркамол бўлиб ўсишлари учун соғлом турмуш тарзини дастлаб онлада шакллантириш керак. Бунинг учун болалар саломатлигига экологик хавфни камайтиришга бутун оммани жалб қилишимиз лозим.

Шу мақсадда бутун таъбат ходимлари 7 апрелни саломатлик куни сифатида нишонлаб, халққа яна бир бор ўз соғлиқлари ҳақида эслади қўйишни жоиз деб ҳисоблашди. Бу борада Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Саломатлик институти ва унинг жойлардаги филиаллари барча вилоят ва туман таъбат ходимлари Саломатлик кунига бағишлаб маҳалла фаоллари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ташкилотлари, санитария-эпидемиология маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ходимлари билан ҳамкорликда бир қанча тадбирлар ташкил қилмоқдалар. Бу тадбирлар жойларда саломатлик сайиллари, саломатлик байрамлари тарзида ўтказилмоқда.

Ҳар бир бола, хоҳ уйда хоҳ мактабда бўлсин, соғлом ўсиш ҳуқуқига эгадир. Келажақда фарзандларимизнинг эртасини таъминлаб бериш, уларни ўраб турган муҳит ҳафсиллигини ва соғлом келажақ учун ҳозирдан замин яратиб беришимиз керак. Бунинг учун нафақат таъбат ходимлари, балки ҳамма бир ёқадан бош чиқариб курашмоғим лозим.

Меҳринис УМРЗОҚОВА, Республика Саломатлик институти шифокори.

ҚАРШИДА «ФЬЮЧЕРС» ХАЛҚАРО ТЕННИС ТУРНИРИ

Олти йилдирки, ҳар йили Қарши шаҳрида «Фьючерс» халқаро теннис турнири ўтиши аниғна тусини олди. Бу гал ҳам Қаршининг марказий теннис корти 14 мамлакатдан келган 80 нафар теннисчи ва томошабинлар билан гавжум бўлди. Рудольф Казарт, Роберт Стивен (Франция), Дмитрий Власт, Михаил Эльгин (Россия), Ярослав Левинский (Чехия) каби номдор ракетка усталари мусобақаларда иштирок этмоқдалар. Рейтинги юқори бўлган спортчилар тўғрисидаги асосий боқичда қатнашаётган бўлса, 55 нафар теннисчи саралаш боқичидан ўтишди.

Ярим финал баҳсида Швейцария Бонли чехиялик Левинскийни қийинчилик билан 7:5, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратди. Иккинчи финалчини франциялик Казарт ва швейцариялик Мертол Жак баҳси аниқлаб берди. Жуфтликлар беллашувида россиялик Дмитрий Власт-Михаил Эльгин финалда чехияликлар жуфтлиги билан бахшлашдилар. Бутун ғолиблар номи аниқ бўлади. Турнир ғолибига 15 минг АҚШ доллари миқдоридан мукофот берилади.

Нарзулла РАВШАНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

«ASIAN COMMUNICATION TRANSPORT INVEST COMPANY» КК

РАДИОСТАНЦИЯЛАР, РАДИО АСБЎБ-УСКУНАЛАРИ ВА МИНИ-АТСЛАРНИ

Тошкентдаги омборидан ва «Буюртма бўйича»

ЕТКАЗИБ БЕРАМИЗ, ЙИҒАМИЗ ва СОЗЛАЙМИЗ.

Тел.: (998-712) 53-02-76. Факс: (998-712) 53-31-76. E-mail: kvant@tps.uz

«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маққамаси

Бош муҳаррир **Аббосхон УСМОНОВ**

Тахрир хайъати:

Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. ДЮГАЙ, Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. КУЧЕРЕНКО, М. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДИНОВ, Г. ПРОХОРЕНКО, Ш. РИЗЕВ, А. САИДОВ (масъул котиб — «Народное слово»), И. УТБОСАРОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), А. ХАЙДАРОВ, Ҳ. ХОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92

Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65

Маънавият ва маърифат — 136-35-60

Газетхонлар билан алоқа ва миткаллар — 133-52-55;

Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва турғунлик — 133-10-17;

Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; 132-12-08

Котибият — 133-10-28;

Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма Г — 334, 30179 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ХАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — У. ФАЙЗИЕВА. Навбатчи — Х. ЭШМОМОВ. Мусоҳиҳ — Ш. МАШРАББОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қозғондан зиёд материаллар қабул қилинмайди. □ — тижорат материал.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириш — 21.45

1 2 3 4 5 6

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

муддатли омонатнинг ўсиб боровчи фоиз ставкали «Хазина» деб аталган янги турини таклиф этади:

- фоиз ставкаси дастлабки 3 ойда йилига 36 фоиз бўлиб, кейинги ҳар чорақда 2 фоиздан кўпайиб боради ва йилига 42 фоизга етиб, фоизлар ҳар ойда капиталлаштирилади;
- омонатга пуллар 2003 йил 10 мартдан бошлаб 1 йил муддатга қабул қилиниб, хоҳишига кўра, бу муддат узайтирилиши мумкин;
- биринчи бадалнинг минимал миқдори — 10.000 сўм;
- кўшимча бадаллар — камида 10.000 сўм;
- фоизлар ҳар уч ойда ёки муддат тугаганидан сўнг тўланади.

Йил охирида ҳисобварағида сақланаётган омонат қолдиғи 3 миллион сўм ва ундан ортиқ бўлган миқдорларга мукофот берилади.



Миллий банк — пулларингиз сақланишига ва даромад келтиришига кафолатдир.

Кўшимча маълумотларни куйидаги телефон рақамлари орқали олишингиз мумкин: 137-62-81, 137-62-83. www.nbu.com

ИДОРЛАР, МУАССАСАЛАР ВА САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ТОШКЕНТ УНИВЕРМАГИ» СУПЕРМАРКЕТИ

ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА НООЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ БИЛАН УЛГУРЖИ САВДО ТАШКИЛ ҚИЛИНГАНИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

Бизнинг манзил: Тошкент ш., «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 17-уй. Тел.: 133-62-88, 56-05-52.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА

ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

136-09-25 132-10-63

242-хона

Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашрийти жамоаси меҳнат фахрийси **САМДБУРХОН САИДАМИНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон телевидениеси жамоаси «Сиевсат» студиясининг катта муҳаррири Р.Норҳўжаева онаси, меҳнат фахрийси **Хусния ая УМАРОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Интернешус Нетворк» халқаро ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси жамоаси ваколатхона ижрокчи директори **Холита Анорбоева**га отаси **СУВНАТУЛО АНОРБЎЕВИН**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон меъморлар уюшмаси Бухоро шаҳрининг собиқ бош меъмор **БОТИР ҲАКИМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Молия институти жамоаси «Менежмент ва ҳуқуқ» кафедраси доценти **Шоҳия Тулаганова**га волидан муҳтарамаси **ШАРИФАХОН АЯ УСМОНХҲҲАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.